
Бағдодда қарийб 2 минг оилага мурувват ёрдами кўрсатилди

Муборак Рамазон ойида Бағдодда қарийб 2 минг оилага “Саховат ва кўмак” жамғармаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Бу ҳақда туман ҳокимининг 1-ўринбосари Сардоржон Қарабаев маълум қилди.

- Дастлаб 1 минг 150 та хонадонга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини манзилли равишда тарқатгандик, - дейди С.Қарабаев. - 9 май - Хотира ва қадрлаш кунида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналминал жангчи-фахрийлар, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, бир гуруҳ меҳнат фахрийлари (жами - 278 нафар) ҳолидан хабар олинди. Туманимиз ҳокими Восилжон Назаров ташаббуси билан бугун бу эзгу амалиёт яна давом этиб, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 300 та хонадонга ҳайитлик сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Аҳамиятлиси, мурувват ёрдамларини манзилли етказишда маҳалла жамоатчилиги ҳамда корхона-ташкilotлар вакиллари беминнат ёрдам берди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-05-12 22:16:58